ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Маматкулов Илҳом Абдурашидович
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ректори, и.ф.д., доц.
https://doi.org/10.5281/zenodo.19647855

Аннотация. *Мазкур мақолада туризм соҳасини ривожлантириш жуда катта иқтисодий самара бериши, чунки у хорижга ресурс чиқармай (пахта, газ, нефть) валюта олиб кириш имконини бериши, кўпгина ривожланган мамлакатларда туризмдан келадиган даромад бошқа соҳаларга қараганда анча кўпроқ валюта тушумларини келтириши, Бирлашган Миллатлар Жаҳон Туризм Ташкилоти (UNWTO) маълумотларига кўра, жаҳон ЯИМнинг 10,4%и, дунёдаги инвестицияларнинг 7%и, солиқ тушумларининг 5%и, жаҳондаги истеъмолчилик харажатларининг 11%и ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўрнининг биттаси туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келиши ва бошқа шу каби долзарб масалаларига эътибор қаратилган.*

Калит сўзлар: *туризм, туризм салоҳияти, тараққиёт параметрлари, модернизация, диверсификация, стратегия, ихтисослаштириш, ташқи ва ички туризмни ривожлантириш.*

Жаҳонда туризм соҳаси барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида гавдаланади. Замонавий туризм транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган бўлиб, бу охир-оқибат уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳасига айлантиради. Ўзбекистон Республикасида мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мазкур соҳа билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар яратиб бериш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Жаҳон ТуризмТашкилоти (United Nations World Tourism Organization (UNWTO)) маълумотларига кўра, бутун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10,4%и (2017 йилда унинг ҳажми 8,3 трлн. АҚШ долларига тенг бўлди), дунёдаги инвестицияларнинг 7%и, солиқ тушумларининг 5%и, жаҳондаги истеъмолчилик харажатларининг 11%и ва ҳар 16 та янги яратилаётган иш ўрнининг биттаси айнан туризм ва меҳмондўстлик индустриясининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур тармоқда аҳолининг иш билан бандлик даражаси 2016 йилга нисбатан 103% га ўсди ва 2017 йилда туризм ва сайёҳлик соҳасида бевосита 118,4 миллион киши (жаҳондаги умумий бандларнинг 3,8%и) иш билан банд бўлган бўлса, билвосита (туризмга хизмат кўрсатадиган тармоқлар билан бирга) 313,2 миллион киши фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда ҳам туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг минтақавий тузилмалари штат бирликларининг оширилгани, ҳудудларда туризм департаментлари ва бошқармалари, ҳоким ўринбосарлари лавозимлари ташкил этилгани мазкур ташкилотларнинг имкониятларини кенгайтирда катта рол ўйнамоқда. Ўзбекистон

Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни 2019 йил 18 июлда қабул қилинган, унда соҳанинг ҳозирги ривожланиш босқичидан келиб чиққан ҳолда янги тушунчалар киритилди, туризм бўйичадавлат сиёсатининг принциплари ва асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, туристик фаолият субъектлари тоифаларга ажратилди. 47 та давлат фуқаролари учун виза режими бекор қилинди ҳамда визасиз режимга эга мамлакатлар сони 86 тага етди. Бундан ташқари виза жараёнларини соддалаштириш мақсадида электрон виза олиш имкониятига эга мамлакатлар сони 57 ни ташкил этди. Қўшимча равишда, “Ватандош”, “Талаба”, “Академик”, “Зиёратчи” ва “Тиббиёт” виза турлари жорий этилди. Қилинган ишлар натижаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ўтган давр билан солиштирганда 2019 йилда мамлакатимизга келган сайёҳлар сони 26,2 фоизга кўпайди. Визасиз режим жорий этилган давлатлардан ташриф буюрган сайёҳлар сонида эса 58 фоиз ўсиш кузатилди. Натижада, сайёҳларни жойлаштириш масканларининг юкланиш даражаси 62 фоиздан 84 фоизга кўпайди. Охирги йилларда туризм соҳасидаги янги тенденцияларга мос ва кенг сегмент талабларига жавоб берадиган хостеллар бозорини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу мақсадда 2019 йилда мамлакатда кам бюджетли туризм инфратузилмаси ва хостеллар бизнесини янада рағбатлантириш учун хостелларни мажбурий сертификациялаш тартиби бекор қилинди ва бошқа бир қатор талаблар соддалаштирилди. 2019 йилнинг ўзида республикада 161 та янги хостеллар қуриб фойдаланишга топширилди. Улар томонидан бир вақтнинг ўзида 5666 нафар сайёҳга хизмат кўрсатиш имконияти яратилди.

Туризмни ривожлантириш омилларига чипталарининг нархи арзон бўлган авиакомпаниялар-лоукостерлар (lowcosters) ҳам таъсир кўрсатади. Польшада туризм ривожланишига авиакомпанияларнинг таъсир этувчи жиҳатлари ўрганилганда, тадқиқот натижасига кўра, лоукостерлар унчалик машҳур бўлмаган жойларда туризмни ривожлантиришга ҳисса қўшган ҳамда кичик шаҳарларда ушбу соҳанинг тараққий этишига хизмат кўрсатган. Мазкур тадқиқотда бошқа омиллар ҳам ўрганилган. Масалан, қишки туризмга нисбатан талабнинг юқори даражаси ҳамда янги йўналишларга хизмат кўрсатувчи лоукостерларнинг янги маршрутлари пайдо бўлгани сабабли

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича мавжуд имконият ва шароитлардан самарали фойдаланишда қийинчиликлар бўлиб, халқаро туризм йўналишида республикага ташриф буюрувчиларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш талаб даражасида эмас. Бунинг асосий тўсиқларидан бири, ҳали бу соҳада инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва туризмни давлат томонидан бошқаришнинг энг самарали усулларини жорий қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар чуқур ўрганилмаганлигидир. Мазкур тадқиқот доирасида, Республикамизда туризм соҳасини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларини таҳлил қилиш натижасида қуйидаги номувофиқлик ва муаммолар мавжудлигига гувоҳ бўлдик:

1. Туризм соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларда хизмат кўрсатувчи гидлар фаолияти, уларга қўйиладиган талаблар, уларни сертификатлаштириш ҳамда малакасини ошириш масалалари бўйича махсус тартиблар ишлаб чиқилган. Аммо мустақил тарзда гидлик фаолияти билан шуғулланиш, уларга қўйиладиган талаблар, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг малакасини ошириш бўйича соҳага оид бирорта юридик ҳужжатда тўхталиб ўтилмаган.

2. Туристларга мамлакатимиздаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, давлатнинг ҳудудий ва маъмурий тузилиши, шунингдек, урф-одатлар ва анъаналар тўғрисида маълумот берувчи гид-таржимонлар ўзлари бераётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги учун шахсан жавобгарлиги масаласи ҳамда уларга бериладиган жазо тури қонун ва қонун ости ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйилмаган ва ҳоказо.

Юқорида келтириб ўтилган камчилик ва номувофиқликларни бартараф этиш бевосита соҳанинг янада ривожланиши ва мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамланишига ёрдам беради. Тадқиқот доирасида Австрия Республикасининг туризм тизими ва соҳани давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил қилинди ҳамда ўрганиш натижалари асосида Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тартибга солиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Австрия Федератив Республикаси Марказий Европада жойлашган давлат бўлиб, 9 та федерал ҳудудлардан ташкил топган.

Мамлакат туризм соҳасида дунёнинг етакчи давлатларидан бири ҳисобланиб, мамлакат ЯИМ нинг 35% туризм соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатнинг туристик марказлари Вена ва Залсбург шаҳарлари ҳисобланади. Австрия Федерал Республикасида туризм соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш бўйича махсус федерал қонунқабул қилинмаган. Лекин ҳар бир федерал ҳудуд бўйича махсус қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Мамлакатдаги туризм соҳасини ривожлантириш ва тартибга солиш масалалари солиқ қонунчилиги, божхона қонунчилиги, халқаро савдо ва иқтисодий муносабатлар қонунчилиги асосида тартибга солинади. Австрияда туризм соҳасини давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги энг асосий ҳужжат “Европа туризмини рақобатбардош ва барқарор тарзда ривожлантириш бўйича” Европа иттифоқи Дастури ҳисобланади. Австрия Европа Иттофоқига аъзо давлат сифатида бу Дастурнинг бажарилишини таъминлайди. Мамлакатда туризм соҳаси Австрия миллий туризм ташкилоти (Austrian National Tourist Office, Österreich Werbung) ҳамда Австрия Иқтисодиёт, оила ва ёшлар вазирлиги (Ministry of Economy, Family and Youth) томонидан ривожлантирилади ва тартибга солинади. Бунда Австрия миллий туризм ташкилоти мамлакатда туризм маркетинги соҳасини ривожлантириш билан шуғулланади ва мазкур соҳа бўйича энг асосий ташкилот ҳисобланади. Австрия Иқтисодиёт, оила ва ёшлар вазирлиги эса туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тартибга солиш, назорат қилиш, молиялаштириш ва бошқа вазифаларни бажаради. Австрияда туризмни ривожлантириш бўйича миллий дастур қабул қилинган бўлиб, у давлат томонидан туризмни қўллаб қувватлашнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизми бўлиб хизмат қилади.

Дастурдаги асосий вазифалар:

Солиқ имтиёзлари, субсидия ва дотациялар;

Туризм соҳасини ривожлантириш ва туристик хизматлар истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни қўллаб қувватловчи миллий қонунчилик ва норматив ҳужжатларни такомиллаштириш;

Мамлакатга кириш ва ундан чиқиш пайтида виза чекловларини камайтириш;

Нархларни қисқартириш ва бошқа турли имтиёзлар бериш йўли билан номавсумий туризмни рағбатлантириш;

Ижтимоий туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

Туристлар ҳавфсизлигига қўйиладиган талабларни кучайтириш ва ва бу соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш;

Давлат томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш, маданий ва тарихий меросни асраб-авайлаш бўйича қонунчиликни мустаҳкамлаш.

Бугунги кунда ривожланган давлатларда “Европанинг ақлли туризм пойтахти” ташаббуси (The European Capital of Smart Tourism initiative) илгари сурилмоқда. Ушбу ташаббус “ақлли туризм” воситаларини, чора-тадбирларини қамраб олади ҳамда шаҳарларда тўртта тоифа: бақарорлик, ногиронлиги бор инсонлар учун махсус имкониятлар яратиб бериш, рақамлаштириш, маданий мерос ва ижодкорона ёндашув бўйича амалга оширилаётган лойиҳалардан хабардорликни оширишни назарда тутади. Туризмни ривожлантириш стратегияси маҳаллий ҳамжамиятларни мазкур соҳа орқали қанчалик кўп қўллаб-қувватласа, у мамлакатда шунчалик барқарор бўлади. Олинадиган даромадлардан фойдаланишнинг эн яхши йўли ёдгорликларни таъмирлаш, ҳамжамиятни қўллаб-қувватлаш, одамларга ҳуқуқ ва имкониятлар бериш, камбағаллик даражасини пасайтириш. Барқарор туризм ҳам меҳмонларнинг, ҳам уларга мезбонлик қилувчи шаҳарларнинг хавфсизлигини таъминлаши, атроф-муҳитнинг ифлосланишига ва аҳоли тиқилинч бўлишига йўл қўймаслиги керак. Туристлар оқимини адолатли тақсимлаш ҳам барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Бу ривожланган мамлакатлар учун ҳам, ривожланаётган мамлакатлар учун ҳам бирдай муҳим.

Хулоса сифатида, ўрганилган хорижий тажриба, эгалланган назарий билимлар ҳамда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқилган қуйидаги таклиф ва тавсияларни келтириб ўтамиз:

1.Ўзбекистон Республикасида маҳаллий туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакат ҳудудида ҳаракатланувчи сайёҳларнинг ҳаракатланиш тартиби, уларга яратиб бериладиган шароитлар ва имтиёзлар бўйича алоҳида ҳужжат ишлаб чиқиш ва туризм соҳасида фаолият юритувчи гидлар малакасини ошириш, уларнинг кўникма ва билимларини баҳолаш бўйича махсус дастурий тизим яратиш;

2.Туристларга мамлакатимиздаги тарихий обидалар, тарихий шахслар, давлатнинг ҳудудий ва маъмурий тузилиши, шунингдек, урф-одатлар ва анъаналар тўғрисида маълумот берувчи гид-таржимонлар бераётган маълумотларнинг тўғрилиги ва асосланганлиги жавобгарлик масаласини туризм қонунчилигида аниқ белгилаб қўйиш ҳамда уларга бериладиган жазо турини Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодексда мустаҳкамлаб қўйиш;

3.Туристик ташкилотлар томонидан хорижий валюталарнинг Ўзбекистонга киритилишини янада рағбатлантириш мақсадида, уларга солиқ имтиёзлари бериш, яъни уларнинг хорижий валютадаги даромадларинингмаълум қисмини солиқлардан озод қилиш;

4.Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш учун секторлараро муносабатларни тартибга солувчи ва ривожлантирувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш. Бунда соҳа ривожида нодавлат секторнинг иштирокини кенгайтириш масалаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

5.Ўзбекистонда туризм соҳасига янги ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқиш ва шу мавзуда халқаро конференциялар ташкиллаштириш;

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиш борасида катта ютуқларга эришилди. Мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида тадбиркорларга

жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратиб берилганлиги соҳа ривожининг асосий омили бўлди. Шу билан бир қатордабаъзи бир камчилик ва фойдаланилмаётган имкониятлар борки, уларни бартараф этиш ва бу йўлда ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармони. // www.lex.uz
2. Мухаммедова З.М. Туризмни инновацион ривожлантиришда инвестицион ресурслар иқтисодий самарадорлигини ошириш: Икт. фан. фалс. д-ри дисс. автореф. – Самарқанд: СамИСИ, 2020. – Б.18.;
3. Муминов Н.Г. Перспективы развития государственного управления в сфере туризма в Узбекистане // Экономика и финансы (Узбекистан), 2022 г, №5, С.2-10.